

Салавот айтишнинг фазилати

05:00 / 01.03.2017 11448

Қаттиқ қийинчиликка тушган бир киши ҳақида ҳикоя қилинади. У кишини қарзи жуда қийнаб қўйди. Чунки, унинг гарданидаги қарз 500000 динорга етган эди. Уни тўлай олмаётгани ҳамда пулини сўраб келаётганлар кундан кунга кўпайиб борар эди. У бир савдогарга бориб, бу маблағни узишда унга ёрдам беришини сўради. Пулни қайтарадиган кунни белгилашиб шартлашишди. У пулни олиб бориб, эгаларига қайтарди. Кунлар, тунлар ўтсада унинг аҳволи баттар қийинлашиб борар эди. Савдогарга қарзини тўлайдиган муддат ҳам келди. Тўлашга бир тийини ҳам йўқ эди. Балки буни устига яна қарздор бўлган эди. Савдогар киши уни олдига келиб, бир тийин ҳам ололмагач қозига бориб арз қилди. Қози қарздорни ҳибс қилишга ҳукм қилди.

Қарздор киши: Эй саййидим! Менга эртагача муҳлат беринг, мен аҳлимга хабар қилиб, оиламни омонат қолдириб келай, улар мени қидириб овора бўлмасинлар", деди. Қози: "Эртага қайтгунингча сенга ким кафиллик қилади", деди. Кафиллим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Агар қайтмасам дунё ва охирада Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам умматидан эмаслигимга гувоҳлик берадилар", деди. Қози солиҳ киши эди. Уни кафилини қадрлаб, қабул қилди. Қарздор киши оиласи олдига кетди. Уйига келиб, аёлига бу воқеани айтди. Аёли солиҳа хотин эди. Эрига: "Қозига Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кафил қилган экансиз, келинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтамиз, шояд Аллоҳ у сабабли баракотидан бизга ҳам ёғдирса", деди.

Эр-хотин уйқуга кетгунлари қадар салавот айтишди. Қарздор киши тушида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрди. Унга: "Тонг отгач волийни олдига боргин, мендан унга салом айт ва унга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мени қарзимни тўлашингни сўраяптилар, деб айтгин. Агар гапингга ишониш учун далил сўраса, унга иккита далил бор.

Биринчиси, волий бир кунда 1000 марта салавот айтади ва уни ҳечам камайтирмайди.

Иккинчиси, бир куни у саноғидан кам қилган эди, унга хушxabарни етказгинки, салавоти тўлиқ менга етиб келган.

Қарздор киши уйғониб, Мадина волийси олдиға шошиб кетди. Волийни олдиға кириб, унга салом бериб: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сизға салом йўлладилар ва мени қарзимни тўлашингизни айтдилар", деди.

Волий: "Қарзинг қанча?" деди. У: 500000 динор деди. Гапингни ростлигига қандай далилинг бор? деган эди, у: "Иккита далилим бор.

Биринчиси сиз бир кунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга 1000 марта салавот айтасиз. Волий тасдиқлаб йиғлади.

Иккинчиси бир кун салавотни кам айтган экансиз. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни тўлиқ етиб борганини хабарини бердилар", деди.

Волий: "Тўғри айтдинг", деб қаттиқ йиғлади. Унга байтул молдан 500000 динор беришни буюрди. Ўзини молидан 2500 динорни олиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан салом келтирганинга сенга совға", деди. Қарздор киши қарзини тўлашға ва қозига берган сўзини устидан чиқишға шошиб, чиқиб кетди. Қозини олдиға киргач, унинг қўлида пулли халтача билан уни кутиб турганини кўрди. Қози: "Мен сени қарзингни тўлайман. Мана бу 5000 динор сенга. Мен сени баракотинг сабаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. У зот менга: "Сен бу кишини қарзини ўтасанг қиёмат куни биз сендан ўтаб юборамиз" дедилар. Шу пайтда пул эгаси савдогар кириб келиб, қозига: "Эй саййидим! Мен уни кечирдим, қарзидан кечдим. Бу 500000 динор мендан унга ҳадя. Чунки мен у сабаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. У киши менга: "Агар уни кечирсанг қиёмат куни биз сени кечирамиз", дедилар.

Киши қозини олдидан хурсанд ҳолда чиқиб, бўлган воқеаларни аёлига айтиш учун шошди. Тўланиши сўралган пуллар ортиғи билан уйга қайтиши, саййидимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган салавот фазли ва баракотидан эди.

Аллоҳим саййидимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга, аҳли оилалари ва асҳобларига салоту саломлар бўлсин!

Аллоҳумма солли ва саллим ва барик ала Муҳаммадин ва ала олиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн!

Ҳумайро.